

**RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMAN:
"O'ZBEKISTONNING YANGI TARAQQIYOT
DAVRIDA TA'LIM-TARBIYA VA ILM-FAN
SOHALARINI O'QITISH TEKNOLOGIYALARI"**

**РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ
КОНФЕРЕНЦИЯ:
«ОБУЧАЮЩИЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБЛАСТИ
ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ В НОВЫЙ ПЕРИОД
РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА»**

**REPUBLIC SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE:
“TEACHING IN THE FIELDS OF EDUCATION
AND SCIENCE IN UZBEKISTAN'S NEW
DEVELOPMENT PERIOD TECHNOLOGIES”**

NAMANGAN – 2023

**RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMAN:
"O'ZBEKISTONNING YANGI TARAQQIYOT DAVRIDA TA'LIM-
TARBIYA VA ILM-FAN SOHALARINI O'QITISH
TEXNOLOGIYALARI"**

**РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ:
«ОБУЧАЮЩИЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБЛАСТИ ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ В
НОВЫЙ ПЕРИОД РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА»**

**REPUBLIC SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE:
“TEACHING IN THE FIELDS OF EDUCATION AND SCIENCE IN
UZBEKISTAN'S NEW DEVELOPMENT PERIOD TECHNOLOGIES”**

NAMANGAN – 2023

ОБУЧАЮЩИЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБЛАСТИ ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ В НОВЫЙ ПЕРИОД РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА

В данный сборник включены материалы научно республиканской конференции: «Обучающие технологии в области образования и науки в новый период развития Узбекистана», освещающие вопросы проблем и перспектив в обучении и воспитании; внедрения новых педагогических технологий в сфере образования; формирования нового содержания образования.

This collection includes materials of the republic scientific-practical conference on "Teaching in the fields of education and science in Uzbekistan's new development period technologies ", organized by Namangan State Pedagogical Institute. It includes articles about the issues of innovation in training and education; introducing new pedagogical technologies in the field of education; the formation of a new educational content.

Mazkur to'plamga “O‘zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta’lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini o‘qitish texnologiyalari “ mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari kiritilgan. Bunda o‘qitish va ta’lim sohasidagi innovatsiyalar; ta’lim sohasida yangi pedagogik texnologiyalarni joriy etish; ta’lim mazmunini shakllantirishga qaratilgan maqolalar jamlangan.

tashkil etilib, oddiydan murakkabga qarab boradi. Shu tamoyilga amal qilinsa, bola qiyin tajribalarni tashkil etishda, labaratoriyada mustaqil ishlay olishga qiyalmaydi. Tarbiyalanuvchilarda STEAM ko‘nikmalari shakllangach, bolaning borliq, bizni o‘rab turgan dunyo bilan intellektual xarakterga ega bo‘lgan bilimlar jamlanmasi tobora rivojlanib boradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. "Maktabgacha ta’limda STEAM texnologiyalari". O‘quv-uslubiy qo‘llanma Tuzuvchi: Yu.R. Maxmutazimova.
2. Yangi O‘zbekiston demokratik o‘zgarishlar, keng imkoniyatlar va amaliy ishlar mamlakatiga aylanmoqda. Toshkent: “O‘qituvchi” nashriyoti, 2021. 184 b.

Elektron ta’lim resurslari:

1. O’zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi: www.uzedu.uz.
2. <http://www.duportal.uz> - O’zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi axborot-lim portali
3. <http://www.azed.uz> - O’zbekiston Respublikasi Xalq talimi vazirligi

ЁШ АВЛОДНИ БАДИЙ – ЭСТЕТИК ЖИХАТДАН ТАРБИЯЛАШДА ТАСВИРИЙ САНЬАТ МАШГУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

**Ботир Болтабаевич Байметов, Тошкент вилояти Чирчик давлат
педагогика университети профессори, bbb19532506@gmail.com**

**Уматалиев Мухторжон Абдурахимович, Наманган давлат университети
таянч докторантি, Muhtorjonumataliyev@gmail.com**

Аннотация: Мақола ёш авлодни бадиий – эстетик жиҳатдан тарбиялашда тасвирий санъат машғулотларини ташкил этиш методикасини

такомиллаштириш усуллари, машғулотларини ташкил этишда унинг назарий асосларидан фойдаланиш, тасвирий санъатда натюроморт композициясини тузишга оид фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: Тасвирий санъат, натюроморт, рангтасвир, композиция, бадиий ижод, композитсион яхлитлик, ритм, ранг, колорит.

Ўзбекистонда Республикаси Президентининг сўнгги йилларда имзоланган фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш, узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим босқичи бўлган мактабгача ва бошланғич таълимни тубдан ривожлантириш бугунги кунинг муҳим вазифаларидан биридир. Маълумки, ўсиб келаётган ёш авлодниэстетик циклга кирувчи фанларнинг асоси бўлган тасвирий санъат таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш, тасвирий санъатдан малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни хар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш [1], таълим муассасаларининг моддий техника базасини, “Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилди. Ушбу дастурда асосий мақсадлардан бири замонавий тасвирий санъат орқали болалардаги қобилият ҳамда имкониятларни аниқлаб, уларни тўғри шакллантириш ва юзага чиқариш белгиланган [2]. Бу соҳада замонавий талабларга жавоб берадиган илгор педагогик услуг ва усулларни ишлаб чиқиши, ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш, нашр этиши ҳам ғоят долзарб вазифаларадан бири эканлиги таъкидланмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда мактабгача ва бошланғич таълим тизимини такомиллаштириш, унинг педагогик ва психологикасосини ташкил қилувчи назарий ва амалий тизимни юқори босқичга олиб чиқиши муаммоларидан бири бу келажак авлодга тасвирий фаолият методикасининг илмий асосланган ва синаб қўрилган мазмунини, топшириклар тизимини ва унинг

методикаларини такомиллаштириш, шунингдек, тасвирий фаолият методикасини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тасвирий ва амалий санъат асарларини идрок этишга оид ўкув материаллари ўкувчиларнинг амалий ишлари билан боғлангандир. Болаларга ўзбек миллий ва жаҳон халқларининг ноёб санъат асарларининг намуналарини намойиш этиш ва идрок эттириш орқали уларнинг санъатга, гўзалликка интилишини уйғотади ва уларни шу соҳага йўллади. Тасвирий санъат асарларни намойиш этишда болалар композиция асослари, асар ғояси, гўзалликни ҳис қилиш каби хислатларни бадиий-тасвирий воситалар билан таништирилади.

Болаларга тасвирий санъатнинг натурага қараб расм ишлашмашғулотларини кичик ёшдан бошлаб ўргатиш нарсаларнинг тузилиши, шакли, ранги, ўлчовлари, уларнинг характерли, типик белгиларини билиш имконини беради. Шу орқали болаларда кузатувчанлик, хотира, эстетик дид, образли тафаккур каби энг муҳим тасвирий малакалар шакллантирилади ва ривожлантирилади. Улар тик, ётиқ, оғма, эгри, тўлқинсимон чизиқларни чизиши, бўёқлар билан тегишли юзани бир меёрда бўяш, оч тусдан тўқ тусга ва аксинча тўқдан очга ўтиш, ўкувчилар тўғри ва эгри чизиқларни teng бўлакларга бўлиш малакаларни ўзлаштирадилар. Чизилаётган расм мазмунидан келиб чиқкан ҳолда қоғоз форматини тўғри танлашни ҳамда расмни қоғозда композицион жиҳатдан тўғри жойлаштиришни ўрганадилар. Шунингдек, расмни босқичлар асосида ишлашни ўзлаштирадилар.

Натурага қараб расм ишлаш машғулотларида ўкувчилар мўйқалам, рангли қаламлар, акварел, гуашь бўёқлари билан ишлаш йўлларини ўрганадилар, имкони бор жойларда қўмир (уголь), соус, пастел, сангина каби материаллар билан ҳам иш олиб борадилар.

Амалий ишларда натюроморт композициясини тасвирлаш машқлари шаклларнинг тузилиши, шаклнингалоҳида қисмларининг бир-бирига

нисбатан ўлчамлари, шаклларини тўғри акс эттириш малакалари такомиллаштирилади. Ёруғ-соя, рангшунослик, перспектива, композиция юзасидан назарий маълумотлар бериш билан бир қаторда ўзига қараб алоҳида ва натюроморт ишлаш юзасидан амалий ишлар бажарилади.

Тасвирлаш жараёнида натурани таҳлил қилиш, уларнинг қисмларини бир-бири билан таққослаш, умумлаштириш кабилар расм ишловчининг эътибор марказида бўлади. Бунда, айниқса, чизиклар равонлиги, рангларнинг нафис ва мутаносиблиги, ифодаланган гўзалликни зеҳнлаб тасвирлай олишга алоҳида эътибор берилади.

Болаларга вазифалар 0,5 соатдан 1,0 соатгача давомида ва қисқа муддатда (5-10 дақиқа) бажариладиган қоралама ва ранглархалар шаклида бажарилади. Бу ишлар алоҳида мавзу асосида ёки машғулот мазмунидан келиб чиқсан ҳолда дарснинг бошланиш, ўрта ёки охирида амалга оширилади. Вазифа ва топшириқлар ўсимлик ва дарахт барглари, турли шакл ва рангдаги гуллар, мева ва сабзавотлар, хунармандчилик ва амалий санъат буюмларини алоҳида ва тўп ҳолда натюроморт тарзида расмини чиздириш орқали амалга оширилади. Натурага қараб бажариладиган топшириқлар қуш, ҳайвон, одам тасвирларини тўла ёки хомаки расмини ишлашни ҳам назарда тутади.

Мактабгача катта ва бошланғич синфларда қўпроқ болаларнинг тасвирий имкониятларига мос келадиган байроқча, соат, ҳаво шари, ўйинчоқ машиналар, уй ҳайвонлари тилла қўнғиз қаби ҳашоратларни расмини ишлаш нихоятда қўл келди. Бундай машғулотлар учун натура танлашда ўқитувчи, уларнинг эстетик кўринишига, шакл, ранг жиҳатидан болаларда қизиқиш ўйғотадиган бўлишлигига ўз эътиборини қаратади.

Композицион фаолият ўз мазмунига қўра уч қисмга бўлинади. Улар: Рангтасвир композицияси. Декоратив композиция. Ҳайкалтарошлик композицияси.

Композицион фаолият ўқувчиларда бадий-ижодий қобилиятни, ўз фикр ва таассуротларини расмда образли қилиб тасвиrlаш ҳамда бадий дидни ўстиришни мақсад қилиб қўяди.

Рангтасвир композицияси машғулотлари теварак-атрофдан олинган кўриниш ва ҳодисаларни унинг барча жанрларида (манзара, майший, натюроморт, тарихий, анималистик) амалий ишлар шаклида бажаришни назарда тутади. Бу амалий ишлар бевосита ёргу-соя, рангшунослик, перспектива юзасидан олиб бориладиган назарий билимлар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бундай амалий машғулотларда болалар натурани кузатиш, (қоралама, ранглама, узоқ давом этадиган расм ишлаш) хотирадан, тасвирий санъат асарларидан олган билим ва малакаларга таянган ҳолда иш олиб борадилар. Ўқувчилар танланган мавзуга кўра унинг элементларини қоғоз юзасида бир-бирига боғлиқ ҳолда жойлаштириш, яхлит композицияни ҳосил қилиш, мавзу мазмунига мос келадиган композицияни топиш учун бир қанча хомаки ишлар, эскизлар ишлайдилар. Композиция тузишда болалар образларнинг типик белгиларини танлаб олиб, қисмларнинг ўрнини алмаштириб, қўшимча деталлар киритиш орқали композиция мазмунини бойитиш кабиларга алоҳида эътибор берадилар. Унда композициянинг бир бутунлиги, қисмларни, шаклларни, рангларни хиллаштириш ва улар ўртасидаги боғланиш ва контрастлик, асардаги ҳамма воситаларнинг бош ғояга бўйсиндириш каби қонун ва қоидалар хисобга олинади.

Рангтасвир композицияси дарсларида ўқувчилар бўёклар билан тасвиrlаш, тасвирда асосийни бўрттириб кўrsатиш, тасвирда узоқ-яқинликни ифодалашда перспектива қоидаларига амал қилишни ўрганадилар. Шунингдек, ота оналар, устозларгатурли байрам табрикномаларини тайёрлаш каби амалий ишлар ҳам бажарилади. Миллий ва чет эл халқларининг либослари учун эскизлар тайёрланади, табиий шаклларни стилизациялаш юзасидан мустақил ишлар олиб борилади.

Хулоса ўрнида шуларни таъкидлаш керакки, мактабгача катта ёшли болалар ва бошланғич синф ўқувчилариға тасвирий санъатдан сабоқ беришда куйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим:

- болаларни тасвирий фаолиятга тайёрлашда уларнинг қизиқишиларини эътиборга олиш;
- мактабгача катта ёшдаги ва бошланғич таълимда тахсил олувчи болаларни тасвирий фаолиятга ўргатишдамақбул методикани ва дидактиканитанлаш;
- болаларни тасвирий фаолиятга ўргатишда тасвирий санъатнинг энг қизиқарли жанри бўлган натюроморт постановкаларини турли шакл ва мавзуларга оид шакллар билан ташкил этиш;
- мактабгача катта ёшдаги ва бошланғич синф ўқувчиларини тасвирий фаолиятга ўргатиш методикасининг педагогик асосларини ишлаб чиқиша ёш психологияси, шахснинг ижодий қобилятларини такомиллаштиришга йўналтирилган усулларини қўллаш орқали амалга ошириш;

Адабиётлар:

1. 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сонли қарори.
2. 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сонли қарори.
3. Байметов Ботир Болтабоевич. Тасвирий санъатдан бўлажак рассом-ўқитувчиларни касбий тайёрлашда композиция фанининг назарияси ва методикаси. *Science and education journal*. 2020/4. Стр. 461-467
4. Байметов, Б. Б. (2020). Педагогика олий таълим муассасаларида талабаларга композиция фанини ўқитишининг назарияси ва амалиёти. *Science and Education*, 1(7).

MUNDARIJA

№	FISh	Maqolaning nomi	
1.	Абдуллаев Ў.	Бошлангич синфларда тасвирий санъат дарсларининг ўзига хос хусусиятлари	3-9
2.	Asranbayeva M.	Kichik yoshdagi maktab o‘quvchilarining mantiqiy tafakkurini rivojlantirish	10-21
3.	Asqarova O’M. Raximova D.	Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarini kasb-hunar tanlashga tayyorlash imkoniyatlari	22-27
4.	Hamroyev A.R.	Boshlang‘ich sinflarda o‘quvchilar bilimini baholashning zamonaviy usullari	28-32
5.	Abdusamatova N.J.	Kreativ yondashuv asosida maktabgacha yoshdagi bolalarni erta rivojlantirishga erishish	33-36
6.	Kambarova S.I.	Adabiyotni fan sifatida o‘qitishning konseptual asoslari	37-41
7.	Quchqorova N.M.	Bo‘lajak tarbiyachilarning iqtisodiy kompetentligini aniqlash indikatorlari	41-47
8.	Abdusamatova N.J.	Erta bolalik rivojlanishining muhim bosqichlari (maktabgacha yosh misolida)	48-52
9.	Тўрабоеva М.Ё.	Она тили дарсларида тафаккурни ривожлантирувчи машқлар тизимининг ўқитиш самарадорлиги	53-58
10.	Лутфетдинова Р.Х.	Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining nutqini o’stirishda modulli ta’lim texnologiyalardan foydalanish	59-67
11.	Sulaymonova S.U. Soliyev E.R.	Zamonaviy ta`lim samaradorligini oshirishning pedagogik faktorlari	67-71
12.	Maxmudova N.A.	O‘quvchilarda mustaqil bilish faolligini rivojlantirishning pedagogik-psixologik xususiyatlari	72-81
13.	Quchqorova N.M.	Tarbiyachilar kasbiy professiogrammasida iqtisodiy kompetensiyalar	82-86
14.	Улухужаев Н.З.	Организация внеклассной работы по русскому языку в начальной школе в аспекте развития универсальных учебных действий.	86-98

15.	Xo‘jamberdiyeva Sh.K	Maktabgacha yoshdagи bolalarni badiiy asarlar bilan tanishtirish muammosining amaliyotdagi holati	98-103
16.	Oribboyeva D.D.	Kichik maktab yoshidagi o`quvchilarni o‘qishga bo`lgan qiziqishlarida mantiqiy xotiraning ahamiyati	103-107
17.	Tadjibaev A.B. Maxammadjonov O. Sharipjonov Y.	Umumta’lim maktablarida chizmachilik va geografiya o‘qituvchilarining pedagogik hamkorligi	107-112
18.	Юсупов У. К.	Меъморчиликда тасвирий санъатнинг ўтмиш ва замонавий анъаналари уйғунылиги	112-116
19.	Arsanova U.K.	Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarni badiiy-estetik jihatdan rivojlantirishda tasviriy san’at bilan tanishtirishning ahamiyati	116-125
20.	Eshchanova G.O. Madaminova Sh.Sh.	Boshlang‘ich sinflarning o‘qish darslarida nasriy asarlarni o‘qitishga kompetensiyaviy yondashuv xususida	125-132
21.	Ташибекова М.Х.	Ўқитиши жараёнига STEAM – таълим технологиясини жорий этишнинг зарурияти	133-139
22.	Arslanova U.K. Asqaraliyeva S.N.	Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida o‘quv ta’limiy faoliyatini tashkil etishda rivojlantiruvchi markazlarning afzalliklari.	139-144
23.	Toshpo‘latova D.B.	Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida pedagogik va boshqaruв faoliyatining o’zaro bog’liqlik va aloqadorlik xususiyatlari	145-151
24.	Toshmatov G‘.	Kredit modul tizimida musiqiy fanlardan mustaqil ta`limni tashkil etishning mazmuni va mezonlari	151-157
25.	Sobirjanova M.A.	Steam ta’lim tizimining kelib chiqishi va ahamiyati	157-163
26.	Байметов Б.Б. Уматалиев М.А.	Ёш авлодни бадиий – эстетик жиҳатдан тарбиялашда тасвирий санъат машғулотларини ташкил этиш	